





Жориййилда Туркистондагы янги шаҳар худудида қурилган 5313та квартира фойдаланишига топширилади. Хусусан, 4039та квартира – насиага, 1274та квартира навбатда турган фуқароларга берилади. Маъмурий-тадбиркорлик марказида 7,9 ҳамда 12 қаватли жами 82та бинонинг қурилиши давлат бюджети ҳисобидан юритилмоқда. 10 қаватли уйлар май ойининг охиригача фойдаланишига топширилади.



## Ўмирзак Шўкеев: “ЭКОЛОГИК ОФАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЗАРУР”

Ўтган иили вилоят худудида 40та кон ўрганилиб, натижада 27 нафар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан йўл қўйилган қонунбузарликлар аниқланиб, экология департаментига йўлланди. Сайрам туманинда 4 нафар тадбиркорнинг шартномалари муддатидан аввал бекор қилинди.

Шунингдек, Туркистон вилоятини худудидаги карьерлардан фойдаланishi жаънинда сувни мухофаза қилиш худудида шартнома талабарини бажармагани учун 17та шартнома ва 1та лицензия муддатидан аввал бекор қилинди. Улар Сайрам, Сариоғоч, Ўрдабоши, Арис, Саврон, Тўлебий ва Байдибек туманларида жойлашган.

Ушбу масала вилоят ҳокими Ўмирзак Шўкеев раислигига ўтган девон мажлисида атрофлича мухокама қилинди. Минтақа раҳбари ер қаъридан ноқонуний фойдаланини, табигати зарар етказётган шахслар устидан назоратни кучайтириб, бу ишини қонун доирасида чеклаш зарурлигини таъкидлadi. Улар орасида 2000 йилдан бўён карьерлардан узоқ муддатли фойдаланувчilar бор. Ў. Шўкеев маҳсус комиссия ва ҳуқук-тартибот идораларида дарёлар ва шахарларга туаш худудлардан кум ва тош қазиб олувларнинг ноқонуний



фаолиятини зудлик билан тұхтатишни топшириди. – Биз ер қаъридан ноқонуний фойдаланувчilarга қарши курашамиз, аммо натика кутилгандек эмас. Табиат, экологияга нисбатан хиёнат энг кatta жиноятдир. Оқсув дарёси ахоли зич жойлашган худудларни сув билан таъминлайди. Уларни қазиши тұхтатиш керак. Биз тадбиркорлик қарши эмасиз, лекин биз атроф-мухитни бузайтган, экологияга заарар етказётганларга қаршимиз. Карьерлардан ноқонуний фойдаланувчilar аниqlanган барча туман ва шахарлар ҳокимлари бу борада назоратни кучайтиrsin. Бугун бунинг олди олинмаса, эртага кеч бўлади. Булоклар тортилип кетяпти. Бу – катта экологик муаммо. Мен маҳсус комиссия фаолиятини кучайтириб, ҳу-

қуқ-тартибот органдары билан ҳамкорликни кучайтиришини топшираман. Прокуратура, ички ишлар ва бошқа идоралар вакиллари билан биргаликда бу муаммони ҳал этиши, қонун доирасида барча чораларни кўриш зарур.

Вилоят ПД раҳбари, полиция генерал-майори М. Қабденовнинг айтишича, ер қаъридан фойдаланишига доир ҳуқуқбузарликлар асосан Оқсув дарёсида, Ўрдабоши туманиндағи Бодом, Арис ўзанлари бўйида, Қазигурт, Сариоғоч, Келес туманларидағи Келес дарёси бўйида ҳамда Кентов шахри, Саврон, Ўтрор туманларида кўпроқ учрайди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

Сайрам тумани Семей полигони фахрийлари кенгаси аъзоларининг учрашуви ўтди. Қозғистон Республикаси хукумати томонидан, Семей ядро полигони қатнашчilari ва Чернобиль атом электр

## ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ



станцияси офати оқибатларини бартараф этишда иштирок этган ватандошларимиз сафи кун сайн камайб бормоқда. Шу сабабли уларнинг даражаси Улуғ Ватан уруши қатнашчilariга тенглапширилди. Тумандаги 93-сонли Абдайхан номли, 7-сонли Бобур номли ўтга мактабларда келажак авлодни ватандарварлик руҳида тарбиялаш, ёшпарда ватанга меҳр-муҳабbat уйғотиш мақсадида улар билан учрашув тутказилди, кўргазмалар та-

йёрланиб, кинофильмлар наимиш этилди.

Мазкур тадбирда туман фахрийлар кенгашининг раиси Алибек Байназар, Сайрам туман маслаҳати депутати Улдана Үразбаев, Оқсувкент кишилги ҳокими Абдуманан Бурбеков, жамоат кенгashi раиси Амангелди Қабылбеков, Сейдуали Темирбаев, Жамоат тотувлиги ДКК-нинг Сайрам тумани бўлими раҳбари Базарбай Айтбаев, туман Семей полигони фахрийлари кенгashi раиси Махмаджади

жон Ирисметов ва бошқалар иштирок этишиди. Ташкилот раҳбарлари Махаммаджон Ирисметов ва фахрийларга соглик-омонлик тилашди.

Сайрам тумани бўйича бунгиги кунда 300дан зиёд Семей ядро полигони фахрийлари истиқомат қилса, уларнинг 150 нафари имконияти чекланганлар.

**Гулнар НУРТАНОВА,**  
Сайрам тумани  
маслаҳатининг депутати,  
“AMANAT” партияси  
фракциясининг аъзоси.

## ТУРКИСТОНДА 350 МИНГ КВАДРАТ МЕТР УЙ-ЖОЙ БЕРИЛАДИ

Буни вилоят ҳокими Ў. Шўкеев раислигига ўтган ҳафталик девон иғилишида Туркистон шаҳрининг ҳокими Нурбўл Турашбеков майлум қилди. Барча курилиш майдонларида ободонлаштириш ишлари қизгин.

Асосий талаб – сифат.

Иғилишда, шунингдек, вилоятдаги йўллар масаласи ҳам муҳокама қилинди. Вилоят йўловчилар транспорти ва автомобиль йўллари бошқармаси раҳбари Р. Ибрагимовнинг айтишича, жорий йилда автомобиль йўллари соҳасини ривожлантириша етари маблағ кўзланган. Жумладан, қарий 700та иншоот, янни 1632 чачирим йўл, маҳаллий аҳамиятга моллик тўтўга кўпrik, шунингдек, 1500 чақирим йўл курилиш-тавъмирлаш ишлари билан қамралади.

Майдантал, Жўйнак, Бобойқўргон, Улгили, Серт, Қарнок, Шакарбулук, Қорачик ахоли манзиллари орқали ўтвчи, Саврон туманини вилоят маркази билан боғловчи вилоят аҳамиятига молик деярли 100 чақиримлий йўл таъмирланмоқда.

Вилоят ҳокимининг топширигига кўра, Тўлебий туманининг Қасқасува Бургулик ахоли манзилларида



сайёхлик иншоотларига олиб борадиган йўлларнинг курилиши ҳам жадал олиб борилмоқда.

Ў. Шўкеев минтақа тараққиёти учун равон йўлларнинг аҳамияти мухимлигини таъкидлаб, курилиш ва

таъмирлаш ишларини сифатли ва ўз вақтида юритиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

## ФИНЛЯНДИЯДАН САРМОЯДОРЛАР КЕЛДИ

Туркистонга Финляндиянинг Қозғистондаги Фавкулодда ва Муҳтор Элчиси Сойли Мякеляйнен-Буханист хизмат сафари билан ташриф буюрди. Муҳтарам мөхоннин вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Арман Жетписбай кутиб олди ва иккى томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашди.

Утрашувда Элчи билан бирга таникли фин компаниялари вакиллари ва ишбормонлар иштирок этишиди. Элчи Финляндиянинг яшил иқтисодиёт, энергетика, ақлии шаҳарлар ва бошқа соҳаларда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келаётгани, Туркистонга келишдан мақсади эса минтақанинг сармоявий салоҳияти билан танишиши ва самарали ҳамкорликни йўлга кўйиш эканини маълум қилид.

– Финляндия яшил иқтисодиётта, табиий заҳиралардан унумли фойдаланишига, экологик жиҳатдан зарарсиз корхоналар ишлаб чиқаришига алоҳида эътибор қаратади. Мамлакатда рўзгор чиқиндининг 56 фоизи қайта ишланиб, энергияга айлантирилди, 43 фоизи эса йўк қилинади. Бизда чиқиндохоналарга дёярли эҳтиёж йўқ. Биз сиз билан ушбу тармоқда ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Бунинг учун минтақа имкониятлари ва истиқболлари билан яқиндан танишишимиз керак, – деди Элчи.

А. Жетписбай вилоядатда амалга оширилаётган лойиҳалар таъдимотини ўтказди.

Шаҳар атрофида маҳсус иқтисодий худуд мавжудлиги ва

унда инфратузилма борлигини алоҳида таъкидлайди. Фин

компанияларидан бири Туркистонда ўз ваколатхонасини очиш истагини билдири.


– Биз жаҳонга машҳур ком-

пания вакиллари билан ҳамкорлик қилишдан ниҳоятда мамнунмиз. Барча соҳаларда бирга фаолият юритишга розимиз. Туркистонда зарур инфратузилмалар мавжуд, бу дёярли янги шаҳар. Минтақада асосий эътибор туризм, саноат, таълим, тиббийта қаратилмоқда. Барча соҳаларда кўламдор лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Биз финларнинг катта теннис, хоккей, қишик спорт ўйинларидаги бой таъкидига ҳам ниҳоятда қизиқамиз, – деди А. Жетписбай.

Утрашув давомида томонлар ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш борасида келишиб олишиди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ЧЕМПИОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



ри ўтишиди. Улар спортдан ташкири, таълим-тарбия, меҳнат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билан ҳам ўртоқлашдилар.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

### ◆ Брифинг

Ўрдабоши туманинга жорий йилда 30 млрд. тенгедан зиёд сармоя жалб этилади. Бу ҳақда брифингда туман ҳокими Б. Батиршаев маълум қилди.

– Умуман олганда, минтақада 11 мингдан зиёд кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда.

♦ Брифинг ♦  
Ўрдабоши туманинга жорий йилда 30 млрд. тенгедан зиёд сармоя жалб этилади. Бу ҳақда брифингда туман ҳокими Б. Батиршаев маълум қилди. Туман иқтисодиётининг асосий ўйналиши қишлоқ хўжалигидир. Ушбу тармоқда етиширилган маҳсулот ҳажми ўтган йили 65 млрд. 699 млн. тенгени ташкил этиди. Бу кўрсаткини жорий йилда 11 фоизга кўпайтириш режаланган, – деди ҳоким.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Сармоя жалб этилади тадбиркорга миннатдорчилик билдирамиз, – деди туман ҳокими.

– Шароитимизни тўғри баҳолаб, бошпана сийлаган тадбиркорга оиласиз номидан миннатдорчилик билдирамиз. Қувончимиз кеҳиз. Ҳамма баҳтиёр яшашга лойик, – деди кўз ёшини тиёлмаган Гулнара Жуманбаева.

Уй тўйида туман фахрийлар кенгаси раиси Қабилбек Еспенбетов, қишлоқ имоми Мейирбек Қалдабеков ва кўшинилар эзгу тилакларни билдириши.

Шуни таъкидлаш жоизки, уй туман марказида жойлашган бўлиб, коммунал хизматларга кўшилган, томорқаси ҳам бор. Ушбу лойиҳа доирасида Сўзок туманида 9та оила бошпана бўлганилиги таҳсинга лойик.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## САХИЙҚАЛБ ИНСОНЛАР КўП БўЛСИН

Сўзок тумани Чўлоққўргон қишлоғида истиқомат килювчи кўп болали она Гулнара Жуманбаеванинг шу пайтгача ўз уйи бўлмаган. 4 фарзандни вояга етказётган ёй ижарада яшашга мажбур эди. Исмини айтишина истамаган сахиб тадбиркор Г. Жуманбаеванинг оиласига беш хонали уй ҳадия қилди. Туман ҳокими Мухит Турисбеков ўй тўйи билан кутлаб, Гулнара Жуманбаевага бошпана калитни топшириди.

– Туркистон вилоятини ўмирзак Естайлула ташаббуси билан вилоятимизда “Қамқорлық” лойиҳаси йўлга кўйилган. Олиб борилган ишлар натижасида туманимизда ёрдамга муҳот 32 оила аниқланди. Моддий жиҳатдан қийналаётган ночор оиласаларга озиқ-овкат, кўмир ва бошқа ёрдамлар кўрсатилмоқда. Исмини ошкора этишини истамаган тадбиркорга миннатдорчилик билдирамиз, – деди туман ҳокими.

Шароитимизни тўғри баҳолаб, бошпана сийлаган тадбиркорга оиласиз номидан миннатдорчилик билдирамиз. Қувончимиз кеҳиз. Ҳамма баҳтиёр яшашга лойик, – деди кўз ёшини тиёлмаган Гулнара Жуманбаева.

Уй тўйида туман фахрийлар кенгаси раиси Қабилбек Еспенбетов, қишлоқ имоми Мейирбек Қалдабеков ва кўшинилар эзгу тилакларни билдириши.

Шуни таъкидлаш жоизки, уй туман марказида жойлашган бўлиб, коммунал хизматларга кўшилган, томорқаси ҳам бор. Ушбу лойиҳа доирасида Сўзок туманида 9та оила бошпана бўлганилиги таҳсинга лойик.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Туркистанлик уруш фахрийиси Нөъмат Абдурасулов жорий йил 1 январь куни 100 ёшга тўлди. Бу йилги кўклам унинг ҳәтида бир юз биринчидир. У Галабанинг 77 йиллигини қарши олмоқда.

Урушга чакирилгач, биринчи Украина ҳамда Белоруссия фронтлари таркибида душманга қарши жанг қилиди.

Жанг майдонидаги жасорати учун "Қизил Юлдуз", "Улуғ Ватан уруши" ҳамда биринчидан иккичи даражали "Шуҳрат" орденлари ҳамда 24та жанговар мебод билан тақдирланган. Улуғ Ватан урушининг иккичи тоифали ногиронни. Москвадаги ҳарбий намойишда иштирок этган. Урушдан сўнг катор йиллар Туркистан автобазасида ҳайдовчи, нафакадан сўнг эса ремонт-механика заводининг назорат бўлумида меҳнат қилиди. Умр ўйлодши Мариям ая билан 6 фарзанд – Эркин, Эрмат, Ҳавас, Эржон, Эргаш, Элмуродларни тарбиялаш, вояга етказган – невара, эвара, чеваралар кўрган пири бадавлат оила сохиби. Аввал умр ўйлодши, ўтган ўли эса тўнгич ўғли Эркин 74 ёши-



да оламдан ўтди. Нөъмат Абдурасуловнинг кенжага ўғли Элмурод кечаку-кундуз отасининг ёнида.

Табиатан камгап, тасбех ўғириб, ибодат қўвлуги Нөъмат ота ёшига нисбатан бардам, ҳовлига ўзи чиқиб киради. Баъзан жисмоний тарбия билан ҳам шуғулланади. Элмуроднинг келини Дилбар отасини еру кўкка ишонмайди. Шахар ҳокимлиги ушбу хонадон илтимоси билан 100 метрдан зиёд кўчани асфальтлаб берди. Отахонга бугунги осойишта ҳаёт ва жанг майдонидаги жасорати учун миннатдорчиллик билдириб, мустаҳкам саломатлик тилади. Хайрлашар экманман, Нөъмат ота кўлларини дугча очиб элга тинчлик, юрга омонлик, ёшларга иймон ва саодат тилади. Ниятлар ижобат бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

## АҲМАДЖОН ОТА: ТИНЧЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

1941 йил 22 июн. Айни саҳар чогида фашистлар Германияси юртимизга хиёнаткорона бостириб киришганди. Уларнинг мақсади ССЖИни парчалаш, унинг ҳудудларини босиб олиш, табиий бойликларига эгалик қилишдан иборат эди. Уруш... Ушбу иборани шунчаки тинглаш, айтишининг ўзи азоб. Чунки, у туфайли купларнинг шўх кулгуси йигига айланади. Кўзларда ҳадик, кўркинч зоҳир бўлади. Хонавайрон бўлган шахар қишлоқлар, издан чиқкан ҳаёт, айрилиқ ва азоб ҳамма-ҳаммаси руҳиятингизни қийноқса солади, солаверади...

Иккичи жаҳон урушидаги қозонилган галабага 77 йил бўлди. Умумий ватанимизни, она заминимизни, қанча-қанча давлатларни фашизм иссанжасидан, балою оғатидан куткариб, дориламон ҳаёт ўрнатишида кўксини қалқон қилган шахсларга ҳурмат-эъзоз кўрсатамиз, бугунги осуда ҳаёт завқи-шавқини суриб яшashi учун шароити яратамиз.

Айни дамларда уларни улуг байрам билан муборакбод этиш, хотирапарни тинглаш учун учрашувлар уюштиримомда. Сайрам туманининг сўлим Қорабулоқ қишлоғига яшаб, умргузаронлик қиласетган уруш фахрийиси, Аҳмаджон ота Анортов ҳам бундан мустасно эмас.

– Мен урушга жўнаганимда, 1944 йили 18 ёшли йигит эдим, – дейди Аҳмаджон ота. – Конли уруш бўлаётган пайт, бизни сафдошларимиз билан қуроласлаҳадан қандай фойдаланишни ўргатиш учун Семей шахрига олиб боришди. Қаҳратон қиши, жуда совуқ эди. Қиска муддатли тайёргарликдан сўнг 1945 йилнинг априлида бизни Польшага олиб кетиши, сўнг Германияга бордик. Ушбу мамлакатлар худудларини фашистлардан тозалашда қатнашдик.

Эшигтан кулок ишонмас даражадаги машақатларга чирад, жанг қипардик. Шундай қилиб, май ойи ҳам келди. Уруш тугай деган пайт, бир куни ҳандакдан чиқсан, атрофни аскарларнинг шодон қийрики тутиб кетди. "Ура! Ғалаба! Биз ёнгид!" садолари чор-атрофни парзага соларди...

А. Анортов Ғалабадан сўнг йигира мун ўтгач, йигитлик бурчани давом эттириш учун Белоруссияга жўнаб кетди. Уруш асоратларини бартараф этиш тадбирларида фаол иштирок этди ва 1950 йили она юртига қайтиб кетди. Олти йил мобайнида оста-онасида, ҳамкишлопаридан олиса юрт равнаки, эл фаронвонлиги ўйлида тиним билмади.

Аҳмаджон ота ҳарбий хизматдан сўнг давлат ва жамоа ҳужаликларни юк машинаси ҳайдовчиси бўлиб нафақага чиққунига қадар фаолият юритди.

Одамларнинг узогини яқин, оғирни енгил қилишига интилди. Ҳарбий хизмати ва ҳалол меҳнатлари эвазига фахрий ёрлиқлар, кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Анортовлар сулоласи Қорабулоқ қишлоғининг Ошбулоқ ва Соғинтоев кўчалари чорраҳасида истиқомат қилишади. Ушбу авлод вакилларининг энг ёши улуғи, уруш



фахрийиси Аҳмаджон Анортовдир. У турмуш ўртоги, раҳматли Бибисора ая билан тўқиз фарзандни оқ ювиг, оқ тараф камолга етказиши. Фарзандлари Хўмринса, Холмурод (Оллох раҳматига олсиган) Мехринса, Шомурод, Раъно, Дилмурод. Бахтиёр, Барно ва Шаҳлолар, келин-кўёвлар ҳамда 50дан зиёд невара, 50дан зиёд эвара Ғалаба байрамида оталари, боболари хонадонига тўпланишса, отахоннинг қалби шодлика, хуррамлик тўлади.

Аҳмаджон ота Ҳудога шукр, ўшига нисбатан анча тетик. Кенжага ўғли Бахтиёр ва келини Нодирашарининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги туфайли ҳаётдан нолимай, қийинчилик кўрмай баҳтилек кексалик гаштни сурмокда.

Отахонга яна узоқ умр кечириб, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд ҳолда ўш авлод билан учрашувларда, мулокот онларидан Ватанга муҳаббат, ўз бурчига ва ҳалқига садоқат, тинчлик, тўқиличик қадрига етиш тўйгуларини сингдиришдек масъулиятли насиҳатлари сероб бўлаверишини типаб қоламиз...

Мурод АБУБАКИР.

## УРУШ ФАХРИЙСИННИГ БИР ЮЗ БИРИНЧИ БАҲОРИ

да оламдан ўтди. Нөъмат Абдурасуловнинг кенжага ўғли Элмурод кечаку-кундуз отасининг ёнида.

Табиатан камгап, тасбех ўғириб, ибодат қўвлуги Нөъмат ота ёшига нисбатан бардам, ҳовлига ўзи чиқиб киради. Баъзан жисмоний тарбия билан ҳам шуғулланади. Элмуроднинг келини Дилбар отасини еру кўкка ишонмайди. Шахар ҳокимлиги ушбу хонадон илтимоси билан 100 метрдан зиёд кўчани асфальтлаб берди. Отахонга бугунги осойишта ҳаёт ва жанг майдонидаги жасорати учун миннатдорчиллик билдириб, мустаҳкам саломатлик тилади. Хайрлашар экманман, Нөъмат ота кўлларини дугча очиб элга тинчлик, юрга омонлик, ёшларга иймон ва саодат тилади. Ниятлар ижобат бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

## УРУШ ХОТИРАЛАРИ ВА ТИНЧЛИК ШУКРОНАСИ

Зокир Мусаев Эски Икон қишлоғидан урушга отланган 337 нафар ҳаммишлопарининг ягона вакили. 1925 йили 1 январда таваллуд топган. 1943 йили 9 февралда урушга отланган. Биринчи Украина фронти таркибида Киев, Харьков шаҳарларини озод этишиб иштирок этган. "Улуғ Ватан уруши", "Қизил Юлдуз" орденлари, 13 медали билан мукофотланган. Бир ўтил, тўрт қизни тарбиялаш, вояга етказган. 1950 йили қадрдан қишлоғига қайтиб келиб, хўжаликларда хисобчи бўлиб узоқ йиллар самарали меҳнат қилган.



хайдаровалар билан мулоқотда бўлдик.

Бугунги осойишта ҳаётимиз учун жонини аямай, душман билан жон қилган уруш фахрийиси, ҳаммишлопарни эътиборидан мамнун ҳолда, ҳукуматимизга миннатдорчиллик билдири. Отахон кўлларини дугча очиб, барчага саодат, элга тинчлик, юрга омонлик тилади.

У истиқомат қиляётган М. Расулов кўчасини асралатлаш ҳақидаги илтимосга жавобан қишлоқ ҳокими Д. Саидов



Эски Икон қишлоғи ҳокими Дишод Саидов ҳамда фахрий оқсокол Ирискул Аббосов билан уруш фахрийисининг хонадонига ташриф буюрдик. Зокир ота бардам экан, бизни ҳовлига чиқиб қарши олди. Анъанага кўра қишлоқ ҳокимлиги ходимлари уруш

жавоб бераркан, яқин кунларда амалга ошишини маълум қилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: учрашувдан лавҳалар.

Муаллиф тасвири.


## КЎҲНА МАНКЕНТИНИГ ҚАДРИ ВА ФАХРИ

Абдужамил ота Давронбеков (тасвирида) болаликдан далага чиқиб, суяги меҳнатда қотди. Машъум уруш бошланиши ҳамоно меҳнат фронтига жалб этилган қаҳрамонимиз Магнитогорск шаҳрида чўян қўйиш заводидан ишлади. Юқори дараҷада иссиқлика ишлана, оғир меҳнат саломатлигига таъсир қилиб, она

қишлоғига қайтишига мажбур бўлди.



«Социалистик мусобақа голиби» кўкрак нишонлари билан тақдирланган ҳамортишимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзиди. У умр ўйлодши Шарофат ая билан Зарифа, Маҳбуба, Мақсада, Гулчехра, Дилором, Йўлдузбек, Султонбек ва Равшанбекларни вояга етказиб, барчасини уйлижойли қилид, олий маълумот олишиларига замин ҳозирлади. Катта қизи Зарифа Рўзметова (тасвирида) – вилоятимизга таниклики мураллами, жамоат ишларига фаолиятни охонхонларимиздан, севимли рўзномамизни ilk кундан кўллаб-куватлаб келаётган ва мақолалари билан тинлаган қаламкаш, «Чимкент» ижодий уюшмаси аъзоси. У Алишер Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаб, нафакага чиққунга қадар 40 йил шаҳардаги А. П. Чехов номли 21-сонли ўтра мактабда тарих фанидан сабоқ берди, 6 йил мактаб директори-



нинг ўкув-тарбия ишлари бўйича мувонни бўлиб ҳам ишлади. «Қозогистон тарихи» дарслигининг ҳаммуаллифи. Меҳнат фаолияти мобайнида КР Таълим ва фан вазириларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган Зарифа Абдужамил кизи умр ўйлодши Равшанбек Иристой ўғли билан 3 нафар фарзандни муносиб вояга етказиши. Кизлари Зулфия ва Раъно, ўғли Азизбек бугун ҳаљ ҳўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Мақоламизда таникли аса-паричи Абдужамил ота Давронбековни ёд этиб, унин муносиб вориси ўзбек матбуоти жонкуяри Зарифа ая Рўзметова ҳақида сўз юритдик. Зоро, ўтганларни улуғлаш, фахрийларга иззат-икром кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимизиди.

Сайд ХАЙРУЛЛОХ.

## ТЕМИРИЙЛ ҚЎШИНЛАРИ ТАРКИБИДА ЖАНГ ҚИЛГАН

Туркистан шаҳри марказида "Ғалаба" истироҳат боғига уруш йилларида фронтга сафарбар қилинган 18547 нафар аскарнинг исми-шарифи мармар лавҳага ўтиб ёзилган. Уларнинг орасида темирийл қўшинларни таркибида хизмат қилиб, ватанини ҳимоя қилган Абдан Содиковнинг ҳам исми бор.



А. Содиков 1920 йил 25 майда Туркистан шаҳрида туғилган. Мехнат фаолиятини локомотив депосида бошлади. 1940 йили 10 октябрда Совет Армияси сафига чакирилди. Улуғ Ватан урушидан сўнг, қадрдан юргита ёргу ўтиб кетди. 1948 йили меҳнат фаолиятини билимни темирийл билимни юндан зиёд юбилей кўкрак нишонлари билан тақдирланган. 1983 ва 1985 йилларда собиқ курорддан дўстлари – темирийл қўшини фахрий аскарлари билан Москва шаҳрида учрашган. Москвадаги темирийл қўшинларни фахрийларга кенгашни раиси, генерал полковник П. Кабанов мазкур учрашувлар ташкилотчиси ва ҳомийси эди. Абан отани Ғалаба байрами озод этиган учун иштади.

нам жамоаси – А. Байкўниров, Шарапат Мусабекова, кейинчалик Айдос Абзазов раҳбарлик қилган Туркистан гуманитар техника коллежи, бугунги кунда олий кўп соҳали хунар коллежи жамоалари бустозлари келиб, муборакбод этишиарди. Абан ота 15 йил мұкаддам 2

...Ҳар йили Ғалаба байрами куни шаҳримизнинг Шон-шухрат майдонига бориб УВУда ҳалок бўлган дўстлари хотирасига гуллар кўяди. Куръон тиловат қиласди. Неча йилдирки, бу анъанага айланган. Фақат соғ бўлса, уруш бўлаётган замин тупроқларини босиб ўтган оёқларига Яратган мадор берса бўлгани, уларнинг хотирасини юргарида дую-ю ибодатлари билан хотирлайверади, то ҳаёт экан, улар билан рўйларда яшаш баҳтини туяверади.... Невара, эввараларини ҳам бошлаб олиб боради, негаки, улар ҳам урушнинг инсоният тарихида, ўтишида қодирган ўчмас изини фахрийларни нигоҳида акс этган кўз ёшларида кўришсин. Жангларда курбон бўлган навқирон йигитларнинг покиза руҳлари ҳаққи-хурмати, тинчлик, осойишталик, бирдамликининг қадрига етишсин. Янги авлод вакиллари орасида унут бўлаётган, инсон сиймосига буюклик ато этадиган бир тан, бир жон бўйлиш, ҳамхиқатлигин сингари қадриятларни эъзозласинлар. Авлодларининг мардлиги, жасоратидан ибрат олсинлар.

Бу гал эса, отахон, 77-бор Ғалаба байрамини оила аъзолари, ҳамортлари даврасида, элу-юр тининг ардоғида нишонлайди.

Қодир ота СОЛИЖОН ўғли – таҳриритимизнинг меҳмони. Аллоҳ умр ато этса, яна уч йилдан сўнг бир асрлик тўйини нишонлайди. Шимкентнинг Эски шаҳар мавзесида туғилиб, вояга етган. Байрам арафасида бобони ҳозирги кунда парваришлайтган кенжакелини – Гулбахорхон билан кўнғироқлашиб, сұхбатлашиш ниятийн борлигини изҳор қилингимда, фахрий отахон "Жанубий Қозғистон" газетасининг доимий муштарийи, боз устуга жамоатчи обуначиси эканлигини мамнуният билан айтиб, қайноталарининг учрашувдан курсанд бўлишларини айтди.

## УМРИНИГ ҲАРЛАҲЗАСИ ТАРИХ



ларимиз кўпайди. Ротамиздаги-  
ларнинг ҳаммаси танкка ўтирид. Украина фронтида хизмат қилиб, Чехословакиягача бордик. 1945 йили бир дивизиямиз Японияга кетди. Хуллас, 1948 йили она ватанинга қайтиб келдим. Ўқ ёмғири ёгаётган жангхог-  
лардан оғир жароҳатларисиз оила барига қайтдим. Украина иқлими нисбатан иссиқ бўлган-  
лиги боис совук у қадар забтига олмади. Бирок Польшада анча қийналдик. Европанинг совуқларини танамда ҳамон ҳис қиласман – бир шинелни кийиб, ик-  
кинчисини устимизга ёпиб совук ўрмонларда тонг оттирадик.

Яратган меҳнаткаш оиласи 4 ўғил ҳамда 4 нафар қиз билан сийлади. Эр-хотин ўзлари гишт қуйиб, уй кўтаришиди. Ҳалол меҳнати, пешона тери билан ҳақиқи хизматига камарбаста фарзандларни вояга етказишиди. Умр йўлдоши билан невара суйиш баҳтига мусассар бўлиши-  
ди.

Қодир ота етимиш ёшида ра-  
фиқасини ўқотди, мана шун-  
дан бўён оила қуришни ҳаёлига  
ҳам келтирмади. Чорвачилик, боғдорчилик каби оила ишлари билан ўзини овутди. Умрини неварапал тарбиясига бағиши-  
лади. Уларда олий таълим олишга иштиёқ ўйғотди. Зако-  
ват соҳибларининг ҳозирги  
кун маънавияти юксали-  
шидаги роли улканли-  
гини тақор-такор утириди. Невара-  
лари келажак авлод-  
га устозлик қилиб, ёшлар салоҳи-  
тининг янги кир-  
ралари намоён бўлишига ҳисса  
кушишмоқда.

– Мени бола-  
лардек парвариш-  
лаётган қизларим-  
дан ҳам аъло ке-  
линин Гулбахордан  
мингдан-минг рози-  
ман, фарзандларининг  
камолини кўрсин, – деба  
ду қиласди, отахон.

Кексалиги туфайли фақат ўн  
фоиз эштиши қобилиятини сақ-  
лаб қолган отахон билан сұх-  
батлашиша ёрдам берадиган  
Гулбахорхондан ҳаҳрамоним-  
нинг ўзук умр қўриш сири билан  
қизиқдим.

Вақтида ухлаб, вақтида таомланиш тартибига риоя қи-  
ладиган отахон сўнгига йилларда  
фақат бугда пиширилган  
таомларнинг истемол қи-  
лишига одатланган. Ўтган йилга  
қадар газеталарни узмай мутола-  
ла қилиб келган, намозларини  
ҳам жамоат бўлаб адо этиш  
учун масжидга шошиларди.  
"Жанубий Қозғистон" газетасини  
мутола қилиб, ундаги мақолалар юзасидан мулҳо-  
запарни таҳририята қўнғироқ  
қилиб, билдириб турган Қодир  
ота Отажонов айни дамда 31  
невара, 47 чевара ҳамда 3  
эввара ардоғида умргузаронлик  
қилмоқда.

Хонадонга нуроний бобони зиёрат қилгани, дуоларини ол-  
гани келишиди. Оила аъзоларини  
ғамхўрлигидан миннатдор  
дугўйи нуронийнинг дуоларини  
олдик. Ҳаёт йўли, саодатини  
эл корига камарбаста бўлиш  
баҳтида деб англаган инсон  
жасорати, фидойлиги нафақат  
ёшларга, отахон билан ҳамна-  
фас, замондош яшаётгандарга, балки келгуси авлодларга ҳам  
ибрат бўлгуси. Бундай афсо-  
навий инсонлар умрининг ҳар  
лаҳзаси билан ҳаётимизни ну-  
рафшон айлагай.

Мунира САҶДУЛЛАЕВА.

Тинтаналарда, айниқса, ҳа-  
йт ҳамда 9-май Ғалаба бай-  
рамларида бу хонадон гавжум  
бўлади. Яқин кариндо-уру-  
лар, дўсту-ёрлардан ташқари,  
ҳамкаслар, уларнинг фарзанд-  
лари, ҳокимлик вакиллари, ҳат-  
то неварапарининг шогирдлари  
ҳам отахон билан учрашувга  
келишиади. Ушбу хонадонда  
қисмати ўтишининг олтин зар-  
варакларига муҳрланган, тар-  
химизнинг осори атикаларига  
айланган воқеаларига гувоҳ  
бўлган нуроний истиқомат қи-  
лади. У ўтган минг йилликнинг  
Иккинчи Жаҳон уруши исти-  
рокчиси, кунлар ўтгани сайн  
ғаниматлигига тобора яқол ҳис-  
қилинаётган, аянчли ўтиши-  
мизнинг сафи сийраклаётган  
шоҳидларининг дуосини олиш-  
га, хотирапаридан баҳраманд  
бўлишга ошиқишиади.

Бу гал ҳам шундай бўлди.  
Рамазон ҳайти куни Қодир  
отани зиёрат қилганлар кў-  
бўлди. Таҳриритдан ҳаҳрамони-  
зини эшитди, отахоннинг кўзи  
равшан тортди, "Ҳозирги шаҳар  
прокуратуруси биносида таҳ-  
риритингларга тез-тез бори-  
турдим, раҳбарларинизга саломим  
етказинг", дедилар.

Нуроний сұхбатдошимиз билан мулқотимизнинг бола-  
лигига бурдик. Ҳаҳрамонимиз  
1925 йили тавалуд топган.  
Давлатимиз 1-жаҳон урушидан  
сўнг, иктисадий ахволини ҳали  
ўнглаб олопмаган. Мол-мулки  
борларни бой, кулок қилиш си-  
сати авж олган. Бобоси Отажон

қарамасдан бир сигирни бева-  
қўншисига ҳада қилишганди.  
– Шаҳардаги ошхонага сут-  
ташиш билан болалигим ўтди, –  
дейди Қодир ота биз билан сұх-  
батда. – Қўйин-ёзин сигирларни  
мизнинг сутларини етказиб бе-  
ришига ҳаракат қиласман. Бироз  
йиллардан сўнг мактабга бора-  
диган бўлдим. Кийимимиз юпун,  
тўғриси қийинчилек давлари  
бай, айниқса, каттаки сезиди.  
Онам ўзининг, акамнинг  
эски кийимларидан амаллаб либос тикиб  
берди. Уни кийиб, мактабга борадиган  
бўлдим. Катта-  
кич ӯшдаги бо-  
лалар билан бир  
синфда эса  
А. Навий номли  
мактабга қўчдик.  
Мактабни тугати-  
шим ҳамоно 1942  
йили декабр қиёда  
Армия сафига ча-  
киришди. 1943 йил  
январда Ашхободга  
ҳарбий тайёргарликка от-  
ландик – 40 вагонлик поезд-  
да кетямиз. Биз 10-вагонда  
эдик. Хоинларнинг ниятини  
кара, темир йўл изларни бури  
юбориб, бутун бошли эшелонни  
портплатмоқи бўлишибди. Улар  
ниятига етишиди – бизни ҳарбий  
тайёргарликка олиб кетаётган  
таркиб бошча бир поезд билан  
тўқнашиб, аскарлар жангга кир-  
май, юртидан олисламай жон  
беришиди. Омон қолдим. Орен-  
бургга етиб келдик. Қўшним Ма-

қарбонинг чорвалари – оила-  
нинг насибаси бўлиб турган си-  
гирлари, отлари, ҳатто хонадон-  
нинг кўрпа-тушклари ҳам хатта  
тушган. Битта сигир ва от-рава  
қайтариб берилди. Солижон  
ота унда экспедиторлик қилиб  
Шимкентдаги учта ошхонага  
маҳсулот етказиб берадиган  
бўлди. Рўзгордаги сигирнинг  
сити ҳам кўни-қўншиларга риз  
бўлди. Қийинчилек давларига

марахимни десантлар ротасига  
юборишиди. Мени эса зобитлик-  
ка ўқисан, дейишиди. Сўнг кат-  
та сержант увонини беришиди.  
Мерғанлар ротасига юбориши-  
ди. Рус тилини яхши билишим  
туфайли ҳамюрларимга ҳам  
нафим тегди. Командирлар ва  
аскарлар ўтасида тимлочик  
қилардим. Бироз вақтдан сўнг  
Армиямиз кучайди. Самолёт-

сингилларини вояга етказиши  
керак. Катта ақасининг урушидан  
ногирон бўлиб қайтганини ҳам  
унга маъсулият юкларди. 1950  
йили етимликда вояга етган  
Ибодатхон билан оила қуриш-  
ди. Чимкент станциясининг раҳ-  
бари Миркарим ақасининг яхши  
костюми бўларди. Ӯшани кийиб,  
бинойидек кўёв бўлди, келинни  
узатиб келишиди. Қийинчилек  
даври ўткаркан, боз омон бўлса,



## Үруши фахрийларининг сафдори эди

96 ўшдаги Улуғ Ватан  
уруши фахрийси Абжап-  
пар Даирабайлу фронт-  
дан қайтга, шаҳар таъ-  
лим соҳасида узоқ  
йиллар самарали  
мехнат қилди.

Нафакага чиққач,  
Туркестон шаҳар уруш  
фаҳрийлари кенгаши-  
ни бошқарди. У пайт-  
ларда шаҳарда 300дан  
зиёд уруш фаҳрийлари  
ҳаёт эди. Ҳозир улардан 4  
нафари қолган. Абжаппар  
ота умр йўлдоши Фатима опа  
(мархум) билан Раҳима, Ну-  
рия, Рустем, Султанларни тарбиялаб  
неваралар сўйган. Уруш фаҳрийларининг  
Туркестон шаҳар Ӣбраев кўчасидаги ав-  
вали гўй давлат этиёжи учун бузилгач, Жангледин кўчаси-  
даги катта қизининг уйда истиқомат килмоқда. Фахрийнинг  
уини топиш осон бўлмади. Ҳозир нафака ёшида бўлган тўн-  
ғич фарзанди Раҳима отаси истиқомат килётган хонадонга  
шаҳар телефони ўрнатиб беришини ва кўчани асфалтлашни  
итлimos қилди.

Суҳбат чоғида А. Дайрабайлу 1943 йили Совет Иттифо-  
қи Қаҳрамони Алия Мўлдагулова билан бир қисмда хизмат  
қилганларни ифтихор билан таъқидлаб, Белорусия, Украи-  
на, Польшада немис боқинчиларидан озод этишида иштирок  
этганини айтди. Урушдаги жасорати учун "Улуғ Ватан уру-  
ши" ордени, медаллар билан таъқидланган.

Абжаппар ота барча ҳарбий ҳамда ўзига таалуқли хуж-  
жатларни давлат архивига ўтказган. Қозғистоннинг фаол  
фуқароси сифатида давлат равнақига оид мuloҳазаларини  
ўртоқлаши.

Ш. МАДАЛИЕВ.

## ОРТИҚМАТ ОТАНИНГ ЖАНГОВАР ЙЎЛИ

1944 йилнинг кузидаги  
эндигина 18 ёшини қар-  
шилаган Ортиқматга  
Сайрам туман ҳарбий  
комиссариатидан чақи-  
рув қозғоси келди.

...Бир неча кун ўтиб,  
у сайрамлик Ахмаджон  
Мўминжонов, Мирзакарим  
Рўзиматов, Азим-  
шик Олимов, Султониёз  
Режаматов, Турсунхў-  
жа Сайдахматов ва қо-  
рамуртлик Махаммад  
Такембов, Абдураҳим  
Шораҳимов, Махаммад  
Умарқулов билан бирга  
Семей шаҳрига йўл оп-  
ди. Янги аскарлар шаҳар  
чеккасидаги ҳарбий ўкув  
полигонига етказилди.

Семейда аллакачон қириган, совуқ забтига олар,  
бундай шароитга кўнинглар югитлар юзларига ўраниб  
олишишади. Аскарлар ўкув полигонидаги ўти-  
шиди. Захирадаги аскарлардан иборат 12-бригада таркиби-  
да ҳарбий уй пиёда юриб, Украинанинг Полтурчи шаҳрига  
етиб келишиди. Дастрлаб жанг майдонида содир бўлаётган  
талотўлардан саросимага тушдилар.

Ниҳоят, Ортиқмат сафдошлари билан пиёда ўзлаб чаки-  
рим юриб, Германияга етиб келди, 2 май куни эса Бранден-  
бург дарвозаси олдида уруш тугади, деган хабарни эшитди...

Лекин уруш хали батамон юхиясига етмаган, айрим худу-  
ларда фитнагилар билан кўттарганди. У Чехословакияни озод  
килишда иштирок этиди.

Сўнг уни Белоруссияга, янгидан фаолият бошлаган, ке-  
йинчалик жуда машҳур бўлиб кетган трактор заводига ишга  
зарурланган. Урушдан қайтга, Ортиқмат устачилик қилди.

Бир куни у шаҳар марказидаги бозорга борди. Урушдан  
кейин ўғри, киссанувлар кўпайган дамлар эди. Шу куни у ҳа-  
мёни ва ҳарбий билетини ҳам ўғирлатди. Аксига олиб, ҳали  
туман ҳарбий бўлимига ҳисобга туршига ултurmagan. Бир  
парча қозғ یўқолса, йўқолар, нима бўлти, деб лоқайдлик  
қил





## ҒАЛАБА – ЁРҚИН БАЙРАМ!

Сизларни 7 Май – Ватан ҳимоячилари куни ҳамда халқимизнинг буюк ва матонатли ўмишини тарих саҳифаларига мангу муҳрлаган – 9 Май – Ғалаба байрами билан чин қалбидан табриклийман! Бу кун жаҳолат устидан ғалаба қозонилган, элда тинчлик ўрнатилган. Халқимизнинг жасорати, матонати келажак авлодга ибрат. Боболаримизнинг қаҳрамонлигини ёдимида сақлаган ҳолда, уларнинг жасоратларига таъзим қиласиз. Уруш, фронтири фахрийлари ва Туркистон вилояти ахлини Ғалаба байрами билан муборакбод этаман! Фахрийларимиз омон, ёшпаримиз ватанпавар бўлсин! Оиласнгизга тинчлик, ишларингида иотуқлар тишлиман!

Қозогистон Мустақилликка ёришган кундан бошлаб, Қуролли кучларнинг салоҳитини ошироқмода. Бугун доворлар аскарларимиз курдати армиямиз сафида мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаб келмоқда.



Ватанни ҳимоя қилишдек масъулиятли ва олижаноб фаолиятида аскарларимизга муваффақият, оилавий баҳт-саодат ёр бўлсин!

**Бадриддин НИШОНҚУЛОВ,**  
Туркистон вилояти маслаҳати  
депутати, "AMANAT"  
партиясининг фракция аъзоси.

Сизларни 7 Май – Ватан ҳимоячилари куни билан самимий табриклийман!

## ҚАҲРАМОНЛИК УНУТИЛМАЙДИ!

Мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл тинчлиги ва осойиштагини таъминлаш, чегара дахлисизлигини сақлаш – тинчликпарварликнинг белгиси. Эл тарихини қадрлайдиган, келажагига ишончи мустаҳкам, барқарорлик, тинчлик, қаҳрамонликни баҳолайдиган жамиятимизда мазкур байрамнинг ўрин ўзгача. Эл-юрт баҳтига Ватан ҳимоячиларимиз омон бўлишин!

Эрта-индин 9 Май – Буюк Ғалаба кунини ҳам нишонлайдиз. Жорий йил ватаннинг 77 йиллиги кенг нишонлайди. Ушбу дорила-мон кунларга етказгани учун фахрийлар ва фронторти меҳнаткашларига миннат-



дорчиллик билдирамиз. Кекса авлоднинг қаҳрамонлиги эл қалбида узоқ йиллар сақланажак.

**Эркин АДАҲАМОВ,**  
92-сонли "Ақсу" умумий  
ўрта мактаби директори.

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

Мустақиллик ҳамда барқарорликка ёришиш қанчалик қийин бўлса, уни асрар, қадрлаш янада юксак масъулиятни талаб этади. Қўргони кучли давлатгина барча жабҳаларда тараққиётта, порлоқ келажакка ёриша олади.

Шу кунларда элимизнинг турли минтақаларида вилоятимиздан чакирилган икки мингга яқин аскар Ватан олдидағи йигитлик бурчани шараф билан адо этмоқда. Уларни 7 Май – Ватан ҳимоячилари куни билан муборакбод этамиз. Айни кунларда матонат кўрсататгандан барча аскарларга вилояят ахлининг таҳсисини етказамиз.

...77 йил муқаддам инсоният тарихида энг оғир ва сўнгги ўқлар отилганди. Шундан бўён 1945 йилнинг 9 Май куни кўпчилик ёдида ҳалқимизнинг мардлиги, енгилмас куч ва жасорати намунаси бўлиб келади.

Улуғ Ватан урушига элимиздан жуда навқирон, эли ва юргита мухаббати зўр ёшлар отланганди. Вилоятимиздан 140 мингдан зиёд аскар фронт майдонларида жанг қилди. Улардан 52 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлганди.

Ватан учун жонини фидо қилган фахрийларнинг бугунги жамиятдаги ўрни ҳам ўзгача. Авлод тарбия-



си ва эл манфаати учун меҳнат қилган инсонлар ҳар қандай эъзозга лойик. Бугунги кунда вилоятимизда 22 нафар уруш фахрийси истиқомат қиласи. Уларнинг ҳар бирига 1 миллион тенгедан молиявий кўмак кўрсатилмоқда. Буларнинг барчаси мустақил юрт авлодларининг мислесиз мардликка кўрсатган таъзими демакидир.

Қадрли уруш фахрийлари!

Буюк Ғалаба учун, мангу Мардлик учун сизларга чин кўнгилдан миннатдор-чилик билдирамиз.

Сизларга соглик-омонлик тилаган ҳолда байрам мингиз муборак бўлсин, деймиз.

**Ғанишер РАЙМҚУЛОВ,**  
Сайрам туман  
маслаҳати депутати.

## ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Арис шаҳри ҳокими Гулжан Қўрмандекова ва шаҳар маслаҳати котиби Амантай Байта-наев ҳамда соҳа раҳбарлари фахрийларни Ғалаба байрами билан кутлади. Шаҳар раҳбари дастлаб, Фахрийлар кўчасида истиқомат қиувчи Қасимбек Кенжебековнинг хонадонига бориб, уни кутлаб, байрам совасини топшири.

Шаҳар ҳокими қонли жанг майдонларида кўрсатган жасорати учун фахрийларга миннатдорчилик билдиради.

Сўнг Гулжан Мамитқизи Қўжатўғай қишлоғи, Шегирли аҳоли манзилида истиқомат қиувчи

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



### Жасоратга таъзим

## ЖАНГДА ЖАСУР, ТИНЧЛИКДА МАСРУР

Тўлебий туманида ағон уруши фахрийлари ва семейчилар учрашуви ўтди. Тўлебий майдонидан бошланган тантанали маросимда жанги фахрийлар ва уларнинг оила аъзолар, ҳарбийлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ташкилот ва идоралар раҳбарлари, туман машиум урушда байналмилап бурчини адо этиш чоғига ҳалок бўлгандар хотирасини бирда дақиқа сукт билан эса олиб, «Мангу олови ёдгорлиги пойига гулчамбарлар кўйишид.

Утрашувда сўзга чиқсан туман маслаҳати котиби Н. Қўйбагаров Афғонистон ҳудудида ўн йилдан зиёд давр мобайнида давом этган урушда туманимиз вакиллари отабоболаримизга хос жасорат намуналарини кўрсатганини таъкидлadi.



– Республикаиздан 22 минг аскар бу уруша иштирок этди. Улардан 700 нафаридан зиёди ҳалок бўлди. Туманимиздан Афғон урушида 113 нафар йигит иштирок этди, – деди у ба бир гурӯҳ фахрийларга "Тўлебий туманига 90 йил"

юбилей медалини ҳамда туман ҳокимлигининг эсадалик совғаларини топшири.

Тадбирда туман санъаткорлари концерт дастурини намоиш этишиди.

Б. РЎЗИМАТОВА.



## ПОЛВОНАРИМИЗ ҚИТЪАДА ТЕНГСИЗ

Ўзбекистонда армрестлингдан болалар, ўсмирлар, ёшлар, катталар, фахрийлар ва имконияти чекланганлар ўртасида XX Осиё чемпионати ўтди. Унда қитъянинг барча мамлакатларидан полвонлар иштирок этиб, мусобақани тортишувларга бой ўтди.



Қозогистон терма жамоаси таркибида омадини синаган "Шардарда Армспорт" клуби спортчилари мусобақиятли иштирок этишиб, 52та олтин медални қўлга киритишиди. Чунончи, полвонларимиз болалар ўртасида 11ta олтин, ўсмирлар ўртасида 17ta олтин, ёшлар ўртасида 10ta олтин, катталар ўртасида 13ta олтин, фахрийлар ўртасида эса битта олтин медалга сазовор бўлишиди.

Ўзбекистонда ўтган Осиё чемпионатида Қозогистон терма жамоаси 1-уринни эгаллади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



«Turkistan» телеканалида бир дақиқалик реклама материаллари ни жойлаштириш – 34000 тенгедан бошланади.

Turkistan Times янгиликлар дастурига лавҳа тайёрлаш ва жойлаштириш – 250 000 тенгедан.

"Жаңа толқын" ахборот-қўнгилочар дастурига лавҳа тайёрлаш ва жойлаштириш – 150 000 тенгедан бошланади.

Кўламдор реклама-ахборот материаллари учун чегирмалар мавжуд.

Телеканалга реклама берувчини жалб қилган ҳамюртларимизга буюртма миқдорининг

**15** фоизи миқдорида агентлик мукофоти тўланади.

Барча реклама ва эълонлар эрталабки соат 08:00дан кечки соат 24:00гача эълон қилинади ва Қозогистон, Қирғизистон, Туркия, Озарбайжон Республикалари, Туркманистон ва Венгрия ҳудудларида эфирга узатилади.

Маълумот учун телефонлар:

+7 (7253) 35 30 31, +7 (747) 944-08-25.

Телеканал маъмурияти.

**Turkistan**  
телеканали ҳамкорликка  
чакиради

turkistantv.kz



Директор – Бош мұхаррир –  
Алишер Ғофуржон ўғлы  
СОТВОЛДИЕВ.

Бош мұхаррир ўрینбасарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхон БҮРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:  
Түркестон, Қентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(7253) 2-40-07.  
Тўлебий – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(7254) 6-07-17.

Қазигурт – Ҳуршид КЎЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.

Сайрам – Мұхтарбек УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.

Тұлқибош – Мұнира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.

Оубна, реклама ва эълонлар – Зокиржон МУМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Түркестон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – "Жанубий Қозогистон" вилоят иктиномий-сийесий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган бирордарлиги.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрел руҳатга олини, КЗ34VРУ00022503 үзеҳоннома берилган.

●

Маколалар, эълон ва бидорувлардаги

факт ҳамда дипломатик түрткитечи учун мұаллифлар, реклама ва эълон берүчилар

жасауди.

●

Фойдаланылмаған маколалардага ёзма

жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри,  
"Жана қала" кичик тумани,  
11-кўча, 26-бино, 3-кават.

Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.

Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 12000 нусха.

Буюртма: 1189.

Навбатчи мұхаррир: Саодат ШАРИФБОЕВА.